

Муҳаммад Тақий Усмоний ҳазратларининг Бухоро бўйлаб сафарлари ўз якунига етди



08:30 / 16.04.2019 5546

Аввал хабар берганимиздек, Шайхул Ислон муфтий Муҳаммад Тақий Усмоний ҳазратларининг Бухоро бўйлаб сафарлари давом этмоқда.

Кеча аср намозидан сўнг, меҳмонлар зиёрати Ислон оламида фикҳ илмининг уламози машҳур имом Шамсул Аимма Ҳалвоний ҳазратлари қабрларидан бошланди. Сўнгра имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳнинг таваллуд топган ерлари зиёрат қилинди. Маълумки, бу жойнинг ёнида “Шайх Зайниддин” жоме масжиди қад ростлаган.

Сафар чоғи давомида муфтий Муҳаммад Тақий Усмоний ҳафизаҳуллоҳ ҳазратлари ушбу масжид ва имом Бухорийнинг туғилиб ўсган жойлари ҳақидаги маълумотлар билан танишдилар. Ушбу масжидда шом намози адо этилганидан сўнг, “Мир араб” мадрасасининг устозлари ва толиби илмлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда муфтий Муҳаммад Тақий Усманий ҳафизаҳуллоҳ “Ҳадисур роҳма”, яъни “Раҳмат ҳадис”идан ижоза бериб, унинг шарҳи ва ҳикмати ҳамда баракоти ҳақида маъруза қилдилар. Маъруза жараёнида устоз ва талабалар томонидан берилган саволларга муфтий Муҳаммад Тақий Усманий ҳафизаҳуллоҳ батафсил жавоб бердилар.

Сухбат асносида масъул ходимлар “Мир араб” мадрасасининг тарихи, ҳозирги ҳолати ҳақида азиз меҳмонга маълумот беришди.

Сўнгра хуфтон намози ўқилиб, Бухоро сафарига якун ясалди.

Ташрифга доир маълумотлар интернет ижтимоий тармоқларидаги расмий саҳифаларимизда ёритиб борилади. Бизни кузатиб боринг.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Islom.uz портали таҳририяти